

Джураев Т.Т.

Тошкент молия институти "Иқтисодиёт назарияси"
кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори,
профессор

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИ

ДЖУРАЕВ Т.Т. РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИ

Мақолада республикамиз ҳудудларида иқтисодий ўсиш самарадорлигининг ҳозирги даражаси ва унинг динамикаси ҳамда асосий тамойиллари очиб берилган. Бунда меҳнат унумдорлиги, асосий ва айланма фондлардан олинадиган самара ва ялпи ҳудудий маҳсулотнинг фонд сиғими кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали ҳудудларда иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий хуносалар чиқарилди ҳамда амалий таклифлар берилди.

Таянч иборалар: иқтисодий ўсиш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, асосий ва айланма фондлар самарадорлиги, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг фонд сиғими.

ДЖУРАЕВ Т.Т. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ И ЕЕ ИЗМЕНЕНИЯ

В статье раскрыты уровень эффективности экономического роста на территориальных субъектах Республики Узбекистан, ее динамика, а также основные тенденции. Даны научные предложение и практические рекомендации по повышению эффективности экономического роста административно-территориальных субъектов на основе анализа производительности труда, фондоотдачи и фондоемкости регионального продукта.

Ключевые слова: эффективность экономического роста, производительность труда, фондоотдача, фондоемкость, фондоемкость валового регионального продукта.

JURAEV T.T. ECONOMIC GROWTH AND EFFICIENCY IN THE REGIONS OF UZBEKISTAN

There are discussed in the article current level of efficiency of economic growth on the territorial entities of the Republic of Uzbekistan and these dynamics, as well as major trends. As well suggested scientific and practical recommendations to improve the economic growth of the administrative-territorial subjects based on the analysis of labor productivity, capital productivity and capital intensity of regional product.

Keywords: efficiency of economic growth, labor productivity, capital productivity, capital intensity, capital intensity of the gross regional product.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг иқтисодий ресурсларини бирлигига нисбий миқдори ва унинг динамикаси ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги даражасини баҳолаш ва унинг ўзгариш тамойилларини аниқлаш орқали иқтисодий ўсишининг ҳудудий жиҳатларини тақомиллаштириш бўйича илмий хуносалар чиқариш ва амалий таклифлар бериш имконини беради.

Иқтисодий самарадорликнинг худудий жиҳатларига баҳо беришда меҳнат унумдорлиги ва асосий ва айланма фондлардан олинган самара ҳамда Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг фондлар сиғими кўрсаткичлари динамикасига эътибор қаратилади. Таҳлил қилинган даврда республикамиз ҳудудларида меҳнат унумдорлиги динамикасида қўйидаги жараёнлар кузатилган: меҳнат унумдорлиги республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган вилоятлар сони қисқариб борган. Жумладан, улар сони 1995 йилдаги 6 тадан 2000 йилда 4 тагача қисқарган. 2005 ва 2012 йилларда меҳнат унумдорлиги фақат Тошкент шаҳрида республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган. 2012 йилда эса улар сони 2 тани (Тошкент шаҳри, Навоий вилояти) ташкил қилган (1-жадвал). Меҳнат унумдорлиги динамикасидаги бу тамойил, биринчидан, ҳудудлар мазкур кўрсаткич бўйича бирбирига яқинлашиб бораётганигини англатса, иккинчидан, кейинги йилларда унинг ўртача даражаси фақат алоҳида ҳудудлар ҳисобига ошиб бораётганигини ва учинчидан, ҳудудлар кўламида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ЯҲМни ўстиришнинг катта потенциал имкониятлари мавжудлигини билдиради.

Жадвалдан кўринадики, 1995–2012 йиллар оралиғида меҳнат унумдорлигининг ўртача даражаси ва энг паст кўрсаткичга эга ҳудуд ўртасидаги фарқлар кўлами ортиб борган. 1995 йилда бу фарқ 1,58 баробарни ташкил қилган бўлса (республикада 35,8 миллион сўм; Андижон вилоятида 22,6 миллион сўм), бу кўрсаткич 2000 йилда 1,62; 2005 йилда 1,87; 2010 йилда 2,39, 2011 йилда 2,77 ва 2012 йилда 2,11 баробаргacha ортган. Меҳнат унумдорлиги бўйича энг юқори ва энг паст кўрсаткичга эга ҳудудлар ўртасидаги фарқлар кўлами ҳам ортиб борган. Бу фарқ 1995–2012 йилларда 1,5 баробарга яқин (2,0 дан 3,4 га) ортган.

Меҳнат унумдорлигидаги фарқларнинг ортиб бориши, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича бир-биридан фарқланиши кўлами ўсиб бораётганигини англатади.

Республика ва унинг ҳудудларида асосий фондлардан олинган самара ва ялпи ҳудудий

маҳсулот фонд сиғими кўрсаткичларида ижобий тамойиллар кузатилади. 2005 йилдан кейинги даврда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жizzах вилоятини ҳисобга олмагандан, республика ҳамда унинг барча ҳудудларида фонддан олинган самара ортиб, ялпи маҳсулот фонд сиғими кўрсаткичи пасайиб борган. Бу даврда республика бўйича фондлардан олинган самара 20%дан кўпроқقا ортган бўлса, фонд сиғими кўрсаткичи шунчага пасайган (2-жадвал). Фонdlардан олинган самара кўрсаткичи бўйича ўртача даража (20%)дан юқори натижаларга Андижон (42%), Наманган (28,6%) ва Самарқанд (26,0%) вилоятлари эга бўлган. ЯҲМнинг фондлар сиғими кўрсаткичи ҳам айнан шу вилоятлarda мос равишда юқори даражада камайган. Бу кўрсаткичлар бутун республика ва унинг қайд қилинган ҳудудларида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётганигини билдиради (Қорақалпоғистон Республикаси ва Жizzах вилоятидан ташқари). Шу билан бирга, ўрганилган даврда ҳар иккала кўрсаткичининг энг юқори ва энг пастки даражаси ўртасидаги фарқлар кўлами ортиб борган. Мазкур фарқлар катталиги 2005 йилдаги 2,3 дан 2012 йилда 3,4 баробарга етган.

Бу энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Фарғона вилоятида фонддан олинадиган самара ортиб (9,2%), энг паст кўрсаткич қайд қилинган Қорақалпоғистон Республикасида у янада пасайганигининг (44,0%) натижаси ҳисобланади. Айни вақтда, республиканинг қолган барча вилоятларида (9 та) фонд қайтими кўрсаткичи ортиб, фонд сиғими пасайиб борган бўлса-да, уларнинг ўсиш ва пасайиш суръати республикадаги ўртача даража (20%)дан бирмунча паст бўлган.

Республика ҳудудларида иқтисодий ўсишнинг самарадорлигини тавсифловчи меҳнат унумдорлиги ва фондлардан олинадиган самара кўрсаткичларининг мавжуд динамикаси таҳлили уларни ошириб бориш талабини ҳисобига олиб қўйидаги таклиф ва тавсияларни бериш имконини берди:

– меҳнат унумдорлигидаги фарқлар кўламини қисқартириб бориш орқали мазкур кўрсаткич бўйича вилоятлар ўртасидаги кескин фарқланиши бирмунча юмшатиш ва унинг паст даражасига эга вилоятлар-
ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2014, 6

1-жадвал. Республика ҳудудларида меҳнат унумдорлиги динамикаси¹

№	Кўрсаткичлар Минтақалар	Меҳнат унумдорлиги (ЯММ /банд бўлганлар, миллион сўм)					
		1995	2000	2005	2010	2011	2012
1.	Ўзбекистон Республикаси	35,8	362,4	1561,7	5314,0	6523,2	7902,3
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	27,8	223,5	831,3	2220,7	2355,7	3737,5
3.	Андижон вилояти	22,6	292,6	1173,7	3308,9	3863,7	5141,3
4.	Бухоро вилояти	28,6	301,3	1423,4	4325,3	5752,1	6723,6
5.	Жиззах вилояти	35,9	282,4	1456,7	3640,2	4552,7	5246,0
6.	Қашқадарё вилояти	30,9	325,3	1503,4	5007,3	5857,2	7272,0
7.	Навоий вилояти	44,8	455,9	1223,3	8032,9	9716,7	12128,6
8.	Наманган вилояти	30,7	281,8	920,0	2976,3	3559,7	4310,5
9.	Самарқанд вилояти	25,8	286,4	1018,2	3100,3	3788,3	4576,6
10.	Сурхондарё вилояти	22,9	288,3	1091,7	2842,0	3560,4	4357,7
11.	Сирдарё вилояти	46,2	343,5	1082,8	3151,9	3867,4	4606,0
12.	Тошкент вилояти	36,3	589,7	1462,8	4821,7	6163,4	7617,6
13.	Фарғона вилояти	38,9	366,1	1083,9	3055,4	3874,8	4663,2
14.	Хоразм вилояти	35,3	310,4	1134,5	3204,4	3689,2	4578,5
15.	Тошкент шаҳри	37,1	396,0	1826,5	8511,1	9503,9	12199,2
16.	Энг юқори ва энг пастки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар кўлами, марта	2,0	2,6	2,2	3,8	4,1	3,4

2-жадвал. Республика ҳудудларида фонддан олинган самара ва ЯҲМ фонд сиғими кўрсаткичлари²

№	Кўрсаткичлар Минтақалар	Фонддан олинган самара (ЯҲМ/ асосий фондлар, сўм)			ЯҲМ фонд сиғими (Асосий фондлар/ЯҲМ, сўм)		
		2005	2010	2012	2005	2010	2012
1.	Ўзбекистон Республикаси	0,62	0,72	0,75	1,61	1,39	1,36
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,36	0,25	0,24	2,80	4,00	4,22
3.	Андижон вилояти	0,55	0,76	0,78	1,83	1,32	1,29
4.	Бухоро вилояти	0,70	0,76	0,77	1,43	1,31	1,28
5.	Жиззах вилояти	0,74	0,49	0,45	1,35	2,04	2,15
6.	Қашқадарё вилояти	0,44	0,47	0,51	2,29	2,12	2,08
7.	Навоий вилояти	0,34	0,39	0,42	2,92	2,52	2,45
8.	Наманган вилояти	0,52	0,65	0,67	1,91	1,55	1,48
9.	Самарқанд вилояти	0,61	0,72	0,77	1,62	1,38	1,33
10.	Сурхондарё вилояти	0,78	0,80	0,81	1,28	1,25	1,23
11.	Сирдарё вилояти	0,46	0,48	0,50	2,18	2,07	2,01
12.	Тошкент вилояти	0,56	0,64	0,67	1,79	1,56	1,47
13.	Фарғона вилояти	0,76	0,83	0,84	1,32	1,20	1,15
14.	Хоразм вилояти	0,66	0,76	0,78	1,51	1,32	1,27
15.	Тошкент шаҳри	0,41	0,49	0,53	2,44	2,03	1,97
16.	Энг юқори ва энг пастки кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар кўлами, марта	2,3	3,3	3,4	2,3	3,3	3,4

¹ Муаллиф томонидаги қўйидаги нашрларда берилган маълумотлар асосида ҳисобланган: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. –37, 64, 277–280- б.; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013. –37, 63, 268–269-б.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий бюллетень. 2012 йил. – Т., 2013. –63, 64-б.; Труд и занятость в Узбекистане. – Т., 2013. –С. 83, 86–98..

² Муаллиф томонидаги қўйидаги нашрларда берилган маълумотлар асосида ҳисобланган: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. –37, 64, 277–280-б.; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013. –37, 63, 268–269-б.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий бюллетень. 2012 йил. – Т., 2013. –63, 64-б.

ни республиканинг ўртача кўрсаткичига яқинлаштириш. Ишлаб чиқаришнинг мавжуд техника ва технологиялар асосида 2012 йилги меҳнат унумдорлигининг энг юқори ва энг пастки кўрсаткичига эга бўлган вилоятлар ўртасидаги фарқи 1/4 баробарга қисқартирилганда банд бўлган бир киши ҳисобига 1840,0 миллион сўмлик қўшимча ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўларди;

– меҳнат унумдорлиги бўйича паст кўрсаткичларга эга бўлган вилоятларни республикадаги ўртача даражага яқинлаштириб бориш. 1995 йилда бу фарқ энг паст кўрсаткичга эга бўлган Андикон вилояти билан таққослаганда 1,6 баробарга яқинни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда у 2,8 баробарга ортган (Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичи билан таққосланганда);

– асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигидаги фонд қайтими ўсиб бориш тамойилларини сақлаб қолиш, унинг пасайиши кузатилган айrim ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиз-

зах вилоятида) мавжуд ишлаб чиқариш кувватларидан тўла ва самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. 2005–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида фондлар қайтими 33,4%га, Жиззах вилоятида 39,2%га яқин камайган;

– фонд қайтими паст бўлган вилоятлар кўрсаткичини республикадаги ўртача даражага яқинлаштириш ва шу орқали асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини умумий тарзда ўстириб бориш. 2012 йилда республиканинг 2 та вилоятида бу кўрсаткич ўртача даражадан 1,1 баробар, 4 та вилотида 1,5 ва Қорақалпоғистон Республикасида 3,0 баробардан кўпроқقا паст бўлган. Шу йили ўртача даражадан юқори кўрсаткичга 5 та вилоят эга бўлган, фақат бир вилоятда у ўртача кўрсаткичга тенг бўлган.

Асосий фондлардан олинадиган самарани ошириб бориш ЯММ нинг фондлар сиғими кўрсаткичини ҳам шунга мос пасайтиради ва бу ишлаб чиқаришдаги мавжуд барча асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2014. –24-б.
2. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2012. –37, 64, 277–280-б.
3. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013. –37, 63, 268–269-б.
4. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот таҳлилий бюллетень. 2012 йил. – Т., 2013. –63, 64-б.
5. Труд и занятость в Узбекистане. – Т., 2013. –С. 83, 86–98.